



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 197 (8437).

16 октябрь, 1984 йил • СЕШАНБА

Баҳоси 3 тийин.

ҲИММАТИНГИЗГА

БАЛЛИ!



МЕХАНИЗАТОРЛАРНИНГ ТОННАЛАРИ

БҲКА. Яна уч хўжалик — «Октябрь 40 йиллиги», Фрунзе номли ҳамда «Коммунизм» колхозларида машина терими пили бажарилди. «Октябрь 40 йиллиги» колхозини дала-ларида юксак унумли ишлаётган 26 та машинанинг ҳар бири бункеридан шу кунгача ўртача 123 тоннадан пахта тўкилди. Жами 3200 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Саиджалил Саидброҳимов, Абдуғани Сатторов ва Сервер Усеиновлар йиғим-теримда пешқадамлик қилишмоқда.

Фрунзе номли колхозда эса 20 та «зангори кема»нинг ўртача иш унуми 126 тоннаданга тўғри келди. Шу кунгача уюлган 2520 тонналик хирмонга Абдусаттор Салимов ўзи терган 212 тонна пахта билан ҳисса қўшди. Шунингдек, Усмонали Салимов, Абдурахим Дадабоев ва Мажиб Жумабоевлар ҳам 155 тоннадан пахта териди. «Коммунизм» колхозда 18 та терим машинасида шу кунгача 1900 тонналик хирмон уйилди. Механик-ҳайдовчилардан Абдулла Омонтоев, Аввалбек Ақбобоев, Акмал Орипов ва Алибой Шодмоновлар «зангори кема» бункеридан 140—150 тоннадан пахта тўкишди.

ПАХТАЗОРДА ДЕПУТАТЛАР

ЧИНОЗ. Яллама қишлоқ Совети ходимлари ҳамда депутатлардан бир гуруҳи пахта йиғим-теримда район меҳнаткашларига яқиндан ёрдам беришляпти. Шу кунгача улар 131 тонналик хирмон уйилди. Қишлоқ Совети депутатларидан Комила Отабоева, Тўти Маъмирова ва Уролой Эгамбердиевалар ҳозиргача 4 тоннадан пахта териди. Улар мавсум охиригача 6—7 тоннадан пахта топиришмоқчи.

ЧЕВАР ҚИЗЛАР

Бугун ҳам тонгдан далада меҳнат авжига чиқди. Пешингача колхозчи қиз-жуво-ларнинг терган «оқ олтин»лари бир телекнадан ошиб кетди. Тушликка чиқишаркан Манзура Зулфиядан неча килограмм пахта терганини сўради: 125 килограмм деб жавоб берди у.

Бўқа районидagi Жамбул номли колхознинг 1-бригадасида меҳнат қилаётган Зулфия Холиқова, Манзура Муминова, Хурсандой Рустомова, Лобар Азавовлар сингари чеварлар ўзaro мусобақа асосида ишлаб, умумий хирмоннинг юксалишига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Бригада коллективи бу йил ҳар гектар ердан 47 центнердан пахта ҳосили олишга аҳд қилган. Шунинг учун ҳам куз об-ҳавосининг ҳар бир ганимат дамларида унумли фойдаланиб, бир жону-бир тан бўлиб ишламоқдалар.

Л. УСМОНОВА.

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

ЁШЛАРГА БОШ

Районда 90 дан зиёд уруш ва меҳнат ветеранлари пахта теримида баҳоли қудрат иштирок этишляпти. Шу кунгача улар терган пахта 58,5 тоннадан ортиди, Бозоргул ая Очилова, Бибисора ая Ашурова, Сафаргул ая Сафарова, Хондик ая Сулаймонова ва Болтабой ота Қаршибоев сингари ветеранларнинг ҳар бири ҳозиргача 1 тоннадан ортиқ пахта териди.

ТЎРТ БРИГАДА РАПОРТИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ. А. Икромов номли колхознинг тўрта бригадаси коллективи йиллик планларини бажарганликлари ҳақида рапорт берди. Муса Шодиев бошлиқ 1-бригада пахтакорлари 105 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил олишди. Бу бригада аъзолари 40 центнерлик марра учун курашмоқдалар. Шунингдек, Хотам Шодиев, Жўра Юсуфалиев ҳамда Раҳматилла Жуланов ўртоқлар бошлиқ бригада коллективлари ҳам айни кунларда зяммага олинган юксак социалистик мажбурият ҳисобига пахта топиришляпти.

ЭЛЛИЦЕНТНЕРЧИЛАРГА ЭРГАШИБ

ПИСКЕНТ. Охунбобоев номли колхознинг Муфти Азизов ҳамда «КПСС XXVI съезди» совхозининг Очил Абдуллаев бошлиқ бригадаси деҳқонлари ҳам мажбурият ҳисобига ҳосил топиришни бошлаб юборишди.

Муфти Азизов бошлиқ бригада коллективи 55 гектар майдондан 150 тонналик хирмон уйди. Механик-ҳайдовчи Алим Мамедов,

илгор теримчилардан Файзисно Баҳриева ва Жамила Азизовлар йиғим-теримда бошқаларга ўрнак бўлишди. Мавжуд 85 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олган Очил Абдуллаев бошлиқ бригада коллективи эса гектарлар ҳосилдорлигини 50 центнерданга етказишга аҳд қилган.

ЎҚУВЧИЛАР МАДАДИ

КОММУНИСТИК. Район пахтакорларига 3570 ўқувчи ҳосил йиғим-теримда яқиндан ёрдам берапти. Мавсум бошидан буён уларнинг терган пахтаси 2251 тоннадан ошди. Ўтган кун ҳар бир ўқувчи ҳисобига ўртача 44 килограммдан пахта ёзилди.


С. Муқонов номли 1-ўрта мактаб ҳамда Ломоносов номли 9-ўрта мактаб ҳашарчилари теримчилар ўртасида ўтказиладиган ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлик қилишляпти. С. Муқонов номли мактабнинг 230 кишилик ҳашарчилар бригадаси мавсум бошидан буён 220 тонна пахта терди. Ҳар бир ўқувчининг кунлик унуми 60 килограммга етмоқда. Урхия Холиқова, Саиджамал Тўқонов, Бахтиёр Журалиева, Жаҳонна Азизбоева сингари комсомол-ёшлар эса кунига 90—100 килограммдан пахта топиришляпти. Ломоносов номли 9-ўрта мактабнинг 101 кишилик ҳашарчилар коллективи эса ҳозиргача 100 тонна пахта териди. Илёс Маханов, Алиқ Сои, Тешидбой Қуттибоев сингари пешқадамлар ҳар кун хирмонга 100—120 килограммдан «оқ олтин» тўкишляпти.

«МЕДИК—84» СУРЪАТИ

ОҚЎРҒОН. Район марказий касалхонасида ташкил этилган «Медик-84» комсомол-ёшлар отряди С. Сегиббоев номли совхоз дала-ларида меҳнат қилапти. 70 кишидан иборат мазкур зарбдор отряд аъзолари шу кунгача 100 тоннадан ортиқ пахта топиридилар. Комсомол-ёшлардан Комила Нишоновна, Марзия Сулиева ҳамда Марҳамат Рустамовлар йиғим-теримда бошқаларга ўрнак кўрсатиб ишлашляпти. Уларнинг ҳар бири 60—70 килограммдан ошариб пахта топиришмоқда.

Пискент районидagi Калини номли колхоз пахтакорлари маррага кун сайин яқинлашмоқдалар. Хўжалик хирмонининг юксалишида механик-ҳайдовчиларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Дала-ларда шу кеча-кундузда ҳам

19 та терим машинаси унумли ишламоқда. Суратда: (чапдан) машина терими пайти. Бункерлардаги пахталар тележкага ағдарилмоқда. Илгор механик-ҳайдовчи Абдурахмон Туранов мавсумда 150 тонна пахта териш учун курашмоқда.



ЯНА БИР ХУШХАБАР

ҚҮРИҚ ЕР ҲОСИЛИ

БЕКОВОД районидagi Колпакова номли совхоз асосан янги ўзлаштирилган ерларда ташкил этилган. Кунинча хўжалик деҳқонлари дастлабки доводдан ошганлари ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекишди. Мавжуд 665 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 15 центнердан ҳосил олинди. Қабул пунктларига етказиб берилган «оқ олтин»нинг ҳаммаси биринчи сортларга топиришди.

Хўжалик пахтакорлари эришган бу муваффақиятга Эгамберди Чиндавалтов бошлиқ 3-ҳамда Шокир Фозиллов етакчилиги қилаётган 2-бўлим меҳнаткашларининг қўшган ҳиссалари салмоқли бўлди. Мақсуда Мирвалиева, Камол Фозиллов, Абдумуҳаммад Ортиқов ўртоқлар бошлиқ

бригада коллективларида эса пахта ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 25—30 центнерданга тўғри келди.

Йиғим-терим ишларини совхоз механизаторлари алоҳида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишди. Об-ҳавонинг ҳар бир ганимат кунинда унумли фойдаланиш учун астойдил ҳаракат қилган механик-ҳайдовчилардан Эркин Орзиев, Худойберди Аҳмедов, Қўзғимурод Фозиллов сингари азаматлар шу кунгача «зангори кема» бункеридан 70—80 тоннадан пахта тўкишга эришшди.

Хўжалик далаларида ҳали ҳосил эъл. Совхоз ишчилари суръатини сусайтирмаган ҳолда йиғим-терим ишларини давом эттиришляпти. Улар хирмонга яна 500 тонна пахта топиридилар.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА
ТАНЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ
15 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга қисбатан процент ҳисобда)

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Коммунистик	2,10	79,05	1,83	85,88
Ғалаба	2,00	77,62	1,36	73,18
Бўқа	2,19	77,08	2,03	69,47
Оқўрғон	1,82	74,73	1,44	70,36
Бекобод	2,45	72,19	1,78	48,81
Пискент	2,11	72,01	1,94	57,34
Чиноз	1,98	71,29	2,20	43,85
Ўрта Чирчиқ	2,22	68,71	2,35	68,50
Янгийўл	2,14	68,38	1,22	40,77
Область бўйича:	2,14	73,61	1,79	63,06

МАШИНАДА КИМ ҚАНЧА ПАХТА ТЕРДИ?

ЎТГАН кунги областимиз далаларида 2203 та пахта териш машинаси ишлатилиб, уларнинг ҳар бирида 1,7 тоннадан пахта терилди. Бўқа райони механизаторлари энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Бу ерда 350 терим агрегатининг ҳар бирида ўртача 2,5 тоннадан «оқ олтин» терилди. Бекобод, Янгийўл районларида ҳам пахта териш машиналари иш унуми юқори бўлди.

Ғалаба ва Ўрта Чирчиқ районларида мавжуд терим машиналаридан фойдаланишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. 14 октябрь кунини Ғалаба районида 429 терим машинасида 342 та ишлатилди, холос. Уларнинг ўртача иш унуми бор-йўғи 1,4 тоннани ташкил этди. Ўрта Чирчиқда эса 330 уринга 221 терим агрегати далага чиқарилиб, 1,4 тоннадан пахта терилди. Илгор-

лар тажрибасини қўлланиб, «зангори кема»лар иш унумини ошириш керак.

БЕКОВОД РАЙОНИ БҲИЧА:

САЙДУЛЛАЕВ Отамурод — Дзержинский номли колхоз механик-ҳайдовчиси. 17 ХВ—1,8 маркали машинада бир кунда 8 тонна, мавсум бошидан буён 183 тонна. Мажбурияти 200 тонна.

ҒАФУРОВ Маъмур — Дзержинский номли колхоз механик-ҳайдовчиси. 17 ХВ—1,8 маркали машинада бир кунда 4,5 тонна, мавсум бошидан буён 172 тонна. Мажбурияти 150 тонна.

БҲКА РАЙОНИ БҲИЧА:

САЛИМОВ Абдусаттор — Фрунзе номли колхоз механик-ҳайдовчиси. 17 ХВ—1,8 маркали машинада бир кун-

да 2 тонна, мавсум бошидан буён 212 тонна. Мажбурияти 185 тонна.

РАҲМОНОВ Саиднаби — «Ленинизм» колхозини механик-ҳайдовчиси. 17 ХВ—1,8 маркали машинада бир кунда 5 тонна, мавсум бошидан буён 183 тонна. Мажбурияти 200 тонна.

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БҲИЧА:

ХОЛБОВЕ Толиббой — А. Икромов номли колхоз механик-ҳайдовчиси. 14 ХВ—2,4 маркали машинада бир кунда 3 тонна, мавсум бошидан буён 142 тонна. Мажбурияти 120 тонна.

КОММУНИСТИК РАЙОНИ БҲИЧА:

КУРАЕДОВА Любовь — Свердлов номли колхоз механик-ҳайдовчиси. 17 ХВ—1,8 маркали машинада бир кунда 3 тонна, мавсум бошидан буён 114 тонна. Мажбурияти 110 тонна.

СССРДА ГДР

МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Ўзбекистон пойтахтида ГДР маданияти байрами ўтказилмоқда. У қардош социалистик мамлакат вакилларининг республика ижодкор аъёлари билан 13 октябрь кунини бўлиб ўтган учрашуви билан бошланди.

Учрашуви Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Аймуратов очди.

ГДР делегациясининг бошлиғи — ГЕСП Марказий Комитети Снейс бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари К. Хагер учрашув вақтида сўзга чиқиб, бундай деди:

Барқарор, иқтисодий жиҳатдан қудратли, юксак даражада тараққий этган давлатга айланди. Буларнинг ҳаммаси учун биз аввало гитлерчилар фашизми устидан ғалаба қозонган Совет Армиясидан миннатдоримиз, бу ғалаба немис халқига озодлик келтирди, деб татқиладди нотинч.

К. Хагер ГДР меҳнаткашлари ривожланган социализм қуриш соҳасида эришган муваффақиятлар, адабиёт ва санъат арбоблари ана шу қурилишга қўшаётган ҳиссаси ҳақида гапириб берди.

ГДР маданиятининг ривожланиши, деб ўқитилди нотинч, кўп миллатли совет маданияти билан ҳамбарчас болганлигидан биз гойа тўқиландик. Бу байрам мамлакатларимиз, партияларимиз, халқларимиз маҳкам янгиликларини далайлидир. Германия Демократик Республикаси барпо этилганидан буён ўтган йиллар моҳиятида

ГДР маданиятининг ривожланиши, деб ўқитилди нотинч, кўп миллатли совет маданияти билан ҳамбарчас болганлигидан биз гойа тўқиландик. Бу байрам мамлакатларимиз, партияларимиз, халқларимиз маҳкам янгиликларини далайлидир. Германия Демократик Республикаси барпо этилганидан буён ўтган йиллар моҳиятида


қа, Ватанга, тинчлик йўлига хизмат қилишдан иборат улар олдида турган олижаноб вазифалар ҳақида гапирдилар.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети маданият бўлими муҳирининг ўринбосари Ю. С. Афанасьев, СССР маданият министрининг ўринбосари Т. В. Голубцова иштирок этдилар.

Шу кунги дўстлик байрамининг қатнашчилари В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентдаги филиалини бориб кўрдилар. Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар, унинг янги қурилишлар бўлаётган жойларида, метрополитенининг ер ости саройларида бўлидилар.

Кечқурун «Баҳор» концерт залига немис ва рус музикаси янгради. Ўзбекистон ССР давлат симфоник оркестри дирижер Кристиан Эвальд бошқарувида Бах, Бетховен, Моцарт, Чайковский асарларини ижро этди.

(ЎЗТАГ.)



А. Абалин фотолари.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

№ 10 (270)

НАЗОРАТЧИ—КУРАШЧИДИР

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг халқ назоратчилари Бутуниттифок кенгашида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар асосида районимиз ишлаб чиқаришнинг барча жаҳдалларида меҳнат уюмдорлигини ошириш, иттифоқнинг мустақамлаш, бошқаришни таъминлаш, санасдорлик, қўшиб ёзиш каби салбий ҳодисаларга қарши кураш борасида муайян тадбирлар амалга оширилиши.

Бу муҳим вазифаларни бажаришда халқ контроли органи қатъий ишлар қилмоқда. Райондаги саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, кишлоқ ҳўжалиги ва бошқа соҳаларда 2400 дан ортиқ халқ назоратчилари фаолият кўрсатяпти. Ўтган 3,5 йил ичида халқ контроли комитети 225 та текшириш ўтказди, шулардан 176 таси комитет йиғилишида муҳокама қилинди. Давлат ва молия иттифоқининг бузулиши учун 324 раҳбар шахсга чора қўрилди, 85 кишига 14434 сўм миқдорда пул нақети солинди, 7 киши ишдан олинди.

Шу вақт ичида халқ контроли бош группалари 4757 та рейд ва текшириш ўтказди. Шулардан 4506 таси халқ контроли группалари йиғилишларида муҳокама қилинди. Текшириш ва рейдларнинг маҳаллий совет, касаба соҳаси, комсомол органлари билан биргаликда олиб бораётганлиги ахши натижа бераётган. Ана шундай қўшма рейдларнинг бирида Ғазалкент консерв заводида маҳсулот турлари бўйича белгиланган давлат бўлими бажарилмаётганлиги аниқланди. 1983 йилда завод консерва ишлаб чиқаришнинг 95,1 процентга бажарди. Томаат ва сабзавот консервалари ишлаб чиқаришдаги қўлоқлик оқибатида, шу йилнинг дастлабки кварталлари планлари ҳам бажарилмади.

Ғазалкент вино заводи (директори Э. Аванесов), Чирчиқ ойна заводи (директори Балбот), Токосой маддий химия фабрикаси (директори А. Тожикбоев) коллективлари ҳам шартнома-лар бўйича маҳсулот жўнатиш планларини ўзинлаштираётган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумида таъкидланганидек, айрим раҳбарлар меҳнат ва моддий ресурсларни, пул маблағларини тежаб-тергаб сарфлашга масъулиятсизлик билан ёндашмоқдалар. Йўлларда ҳўжасизлик, ноишлаб чиқариш харажатлари ошиб бораётган. Жўмладан, Ғазалкент консерв заводида ўтган йил 10269 сўмлик хомашё исроф қилинди. Токосой маддий химия фабрикаси, Чирчиқ ойна заводи, тошга шилло берилш комбинатида ноишлаб чиқариш харажатлари пландагига қараганда қўшайиб кетган.

Кўпгина саноат корхоналарида меҳнат иттифоқи талаб-га жавоб бермади. Ўтган ярим йил мобайнида корхоналарда маъмурият руҳсати билан 3 минг ишчи кўни йўқотилганлигини ўзи мўрса қилиб бўлмайдиган ҳолди. Афсуски, бундай салбий ҳодисаларга жўллардаги халқ контроли группавари постлари аъзолари бефарқ қарамоқдалар.

Райондаги транспорт корхоналари ишида ҳам жиддий нуқсонлар мавжуд. 125-автокорхона коллективиде га-лла ўриш мавсумида ташилган юк миқдорига 40 процент қўшиб ёзилганлиги аниқланди. Бажарилмаган иш учун қўшимча ёқилган мўйлаш материаллари сарфланди, деб

ақт тузилган, ҳайдовчиларга қўнунсиз иш ҳақи тўланди. Корхона колхоз ва совхозлардан гайри қўнуний равишда 1000 сўмдан ортиқ пул олган. Район халқ контроли комитетининг қарорига мувофиқ ушбу қаллобликда яшироқ этган автокорхона ва ҳўжаликларнинг 7 нафар раҳбар кадрига қатъий жазо берилди.

Бўстонлик автобус-таксомотор парк текширилган кўни пландаги 40 та автобусдан линияга атиги 10 таси чиққанлиги назоратчиларни ҳайрон қолдирди. Ҳайдовчиларнинг бесўроқ ишга чиқмай қоллишлари паридан фойдаланиш коэффициентининг пасайиб кетишига олиб келмоқда. Линиядаги автобуслар текширилганда 17 та автобус ҳайдовчиси пассажирларга билетни тўлиқ таркатмаганлиги аниқланди.

Қўшиб ёзиш ҳоллари «Чарвагастрой» қурилиш бошқармаси, 4-механизациялашган кўмака колонна, 97-колхозлараро механизациялашган кўмака колонна, 23-қурилиш трестига қарашли 2-механизациялашган кўмака колонна коллективларида ҳам юз берган.

Кейинги уч йил давомида район ҳўжаликлари давлатдан 7465 тонна помидор, 3367 тонна бодиринг қарздор бўлиб қолдилар. Бунга «Қозғистон ССР 30 йиллиги», Калинин номили, «Ленинград» колхозларида қиллоқ ҳўжалик экинларидаги кам ҳосил оли-наётганлиги сабаб бўляпти. Юқоридаги ҳўжаликлар ва «Хўжалар» «Правда» газетасининг 50 йиллиги совхозларида қорвақили маҳсулдорлиги талаблар да-жасида эмас.

Ишлаб чиқаришда юз бераётган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда Жданов номили, Фрунзе номили колхозлар, Бўстонлик йўллардан фойдаланиш бошқармаси, «Хўжалар» совхоз иш халқ контроли группалари самарали ишламоқдалар. Фрунзе номили колхозининг Б. Асанов бошлиқ халқ контроли группаси 1984 йилининг ўтган даврида 12 та рейд ва текшириш ўтказди. Колхоз халқ назоратчилари фаолиятига бошлангич партия ташкилоти яхши раҳбарлик қилганлиги.

Аммо барча халқ контроли группалари ҳам талаблар даражасида иш юритяпти, деб бўлмади. Айниқса, «Чимён» туристик комплекси, Калинин номили колхоз, «Новгород» совхоз, форе-личлик ҳўжалиги, «Хўжалар» ишчилар кооперацияси халқ контроли группалари ишида фаоллик сезилмаётган. Бу группалар йил бошидан бери бор-йўғи 2—3 марта текшириш ўтказдилар, холос.

Айрим раҳбарлар халқ назоратчилари ўтказган текширишларни охирига етказишга интиляптилар. Рейд ва текшириш натижалари партия, касаба союз мажлисларида муҳокама қилинмаётган. Назоратчиларнинг қимматли ташаббуслари қўллаб-қувватланмаётган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида қўрсатиб ўтилганлиги партия, давлат ва меҳнат иттифоқининг мустақамлаш, ишда ва турмушда содир бўлаётган салбий ҳодисаларнинг олдини олиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Районимиз халқ назоратчилари ўз олдиларига қўйилган масъулиятли вазифаларни принципналий билан ҳал қилиш учун бор куч ва имкониятларини ишга солаверадилар.

Н. ҒУЛОМОВ,
Бўстонлик район халқ контроли комитетининг раиси.

Ўртоқ К. У. Черненко назоратчиларнинг Бутуниттифок кенгашида сўзлаган нутқида тежажкорлик бутун иқтисодий турмушимизнинг қатъий қонуни бўлиб қолиши керак, деб алоҳида уқтирди. Тежажкорлик учун кураш бўйича халқ назоратчилари қандай тадбирларни амалга оширмоқдалар? Жамоатчи муҳбиримиз П. Эргашевнинг саволига Бекобод райониди Навоий номили колхоз халқ контроли бош группаси раиси Назармат ЭРНАЗАРОВ шундай жавоб берди.

— Ҳақиқатан ҳам ўртоқ К. У. Черненко халқ ҳўжалигининг ҳамма соҳасида, айниқса, кишлоқ ҳўжалигида тежажкорликка қатъий риоя этиш зарурлигига алоҳида эътиборимизни қаратди. Ҳосил ниҳоятда қийинчилик билан етиштирилиши ҳаммага аён. Уни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва қайта ишлаш муҳим вазифадир.

Назоратчиларимиз мавсум давомида ўз эътиборларини ҳар бир соҳада тежажкорлик режимиинг кўчатиришига қаратиб келмоқдалар. Халқ контроли бош группасида 69 нафар назоратчи бирлашган. Улар 4 та цех халқ контроли группаси составида турли соҳалар бўйлаб рейдлар ўтказмоқдалар.

Цех халқ контроли группаларидан бирига тажрибали деҳқон Жўра Йўлдошев раҳбарлик қилмоқда. Ўтган давр мобайнида группа аъзолари ўн марта текширув ўтказдилар, кишлоқ билан 45 марта йақма-йақма суҳбатлар ўтказдилар. Текширувлар ва суҳбатлар давомида кишлоқнинг эътибори материал ва хомашёларнинг тежаб-тергаб сарфлашига, экинлар парваришини яхши-лашга, тақор экинлар қосидорлигини оширишга қаратилди.

Эргаш Турсунбоев бу соҳада активлик кўрсатяпти. У 10 йилдан бери озуқачилик бригадасида меҳнат қилиб келмоқда. Назоратчи сифатида йиғиштириб оли-наётган озуқа сифатига алоҳида эътибор бериляпти. Бу соҳада ўтказилган бир қатор рейдлар халқ контроли бош группаси йиғилишида қўриб қилинди. Камчиликларни тугатиш юзасидан зарур чоралар белгиланди. Ҳозир беданинг олтинчи ўрими бошланмоқда. Ҳар гектар ердан 200 центнерга етказиб қуруқ беда личани йиғиштириб олинди. Ширали озуқа жамғариш плани ҳам

қўриши устида алоҳида қай-гурмоқдалар. Баъзи ҳолларда тракторчилар аккумулятор ишламайпти, деган баҳона билан агрегатни тушги дам олиш соатларида ҳам ўчирмасликни одат қилиб олган эдилар. Бунинг нати-жасида қўллаб ёзилги бе-корга исроф бўлаётган эди.

ДАРОМАД МАНБАИ

1,5 ҳисса ортиғи билан бажарилди.

Шу кунларда Ҳазратқул Жўманазаров бошлиқ ферма назоратчилари жамғаришга озуқадан тежаб-тергаб фойдаланиш устида қайғурмоқдалар. Молларин сифатли парвариш қилиш, район асосида озиклангирлиш нати-жасини ўтган йилининг шу да-вридагига нисбатан 7—10 процент қўпайди. Маҳсулот танархи 10—15 процент арзонлашди.

Актив назоратчилар қато-рида Ўбайдулла Мамаюсупов ҳам бор. У асосан мине-рал ўғитлардан оқилона фой-даланиш устида ғамхўрлик қилмоқда. Июнь ойида ўт-казилган текширув пайтида 30 тонна атмосфос 30 тонна қайилли ўғит ўз вақтида фой-даланилмаганлиги маълум бўлди. Шошилинч тадбирлар туфайли ўғитлар тезда бригадаларга тарқатилиб, экинларга солинди. Бу тал-бир пахта ҳосилдорлигини оширишда қўл келди. Ҳо-зир териб олинаётган пахта-нинг каттагина қисми бирин-чи сортларга топширилмоқ-да. Ҳўжалик бундан 250 минг сўмликдан қўпроқ соф даромад олди.

Йўлдош Усмонов раҳбар-лик қилаётган группа аъзо-лари техникани сақлаш, ёнгилини иқтисод қилиш ма-салалари билан шуғуллан-моқда. Назоратчилар ҳар бир агрегатнинг узоқ умр

Назоратчилар текширувидан сўнг агрегатлар зарур эҳ-тиёт қисмлар билан таъмин-ланди. Ҳозирги кунда бево-сита пайкаларда бўлиб, те-рим машиналари ишини ку-затиб бормоқдамиз.



Пахтазорлардан териб олинаётган «оқ олтин» ҳо-сили Чиноз пахта тозалаш заводида кетма-кет қилиб ту-рибди. Эркин Йўлдошев бош-лиқ завод халқ назорат-

чилири ҳосил сифатини му-тавал қузатиб бормоқдалар.

Суратда: раҳбарант М. Топшева (чапдан), завод халқ контроли группаси раиси Э. Йўлдошев, назоратчи-ла-

Суратда: бригада бошли-ги С. Холметов (ўнгдан) на-зоратчи-механизаторлар У. Аноробов ва К. Мадатов билан бирга машина терим-га мосланган карталарда пахта қандай очилганлигини кўздан кечириляпти.

М. Исломов фотоси.

Рейддан сўнг ҳар ишкала коллектив аъзолари билан йиғилиш ўтказди. Унда иш-лар йўл қўйётган камчилик-лар қўрсатилди, улар сезгир ва тежажкор бўлишга чақи-рилди. Ўтган ойларида биз шунга ўхшаш 50 га яқин рейд ўтказдик. Ҳозир про-жекторчилар иш вақтидан унумли фойдаланиш усти-дан каттиқ назорат ўрнатилар. Рейдлар давомида терим қай пайтда бошланиб, қай пайтда тугатилганлигини текшираимиз.

Далаларда теримчилар билан бирга ҳашарчилар ҳам тер тўкиб меҳнат қилмоқда-лар. 6 та отрядга 650 дан ортиқ йиғит-қиз бирлашган. Улар район марказидаги корхона ва ташкилотларнинг вакиллари. Зарбдор от-рядларда тузилган «Комсо-мол проекторчи» постлари ҳам ҳар бир жабрайнинг пу-хта бажарилишини назорат қилиб турмоқдалар.

Т. ШОДМОНҚУЛОВ,
Пискент район комсо-мол комитетининг ик-кинчи секретари, рай-он «Комсомол проек-торчи» штабининг раи-си.

В. Портнов фотоси.

ХАЛҚ КОНТРОЛЕРИ ҲАМИША, ҲАММА ЖОЙДА, ҲАР ҚАНДАЙ ВАЗИЯТДА—КУРАШЧИДИР. У ДОИМО ТОЛМАС КУРАШЧИ БҮЛИБ ҚОЛАВЕРСИН!

К. У. ЧЕРНЕНКО

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ВАЪДАЛАР ҚАЧОНГАЧА?

Биз Октябр район Мар-каз-15 кварталидида 7-ва-7-А уйларда истиқомат қи-ламиз. Бу уйларни 1968 йилда украиналик бинокор-лар қўриб, беришган эди. Давр ўтиши билан турар-жойимизнинг бир қисми ре-монт талаб бўлиб қлди. Икки йил муқаддам иситиш ва сув таъминоти системаси-ни капитал ремонт қилиш учун кўпгина материаллар келтирилди. Аммо улар қан-дай келган бўлса, шундай-лигига гоийб бўлди. Фақат тешилган трубалярнинг у-ер-бу ери ямади холос. Кей-ин эшитсак, капитал ре-монтга 73 минг сўмлик маб-лаб сарфланди деб акт тузилди.

Квартираларимизда а г и ҳамма трубаляр алмашти-рилиш лозим эди. Уларнинг хизмат муддати аллақачон

тугаган. Ўтган қишда эскир-ган трубаляр 108 марта те-шилди, квартиралар ва под-валларни сув босди.

Уйларга хизмат қилувчи 64-турар-жойлардан фойда-ланиш бошқармаси раҳбар-лари мавжуд аҳолини би-лишса ҳам нуқул ўзларни па-нага олишди. Чунки юз-лари шувут. Ваъдани қол-лаб беришди-ю, аммо сў-зларининг устидан чиқиб-майдн. Электрликлар, сантех-никлар, слесарлар эса таъ-магир бўлиб кетишган. Би-рор нарсга атамасангиз юз-март чакирсангиз ҳам ке-лишмайди. Улар ишини на-зорат қиладиган, тартибга қайириб қўядиган бирор раҳ-бар йўқ.

Хўлғига чиқсан, дилми-зи баттар ҳуфтон бўлади. Ҳа-маёқ қоронғи. Подъездлар-даги электр системаси иш-

дан чиққан. Пулчалар, ҳов-лилар бир умр супурилма-ди. Болалар майдончаси ҳам ҳўвиллаб ётибди. Майдон-чага бирор жиҳоз қурилма-ган.

Шунга ўхшаш камчилик-лар юзасидан Октябр рай-он ижроия комитети, район уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси раҳбарларига оир неча бор мурожаат қил-ди. Лекин улар бизни ла-қиллатиб, илтимосларимизга тўраларча муносабатда бў-лишдан нарга ўттишмайдн. Зора шу хал газетига эълон қилинган, район раҳбарла-рининг беғамлигидан шаҳар раҳбарлари ҳам воқиф бў-либ, бирор таъсирчан чора қўришса.

Р. ШОКИРОВ,
Н. МУСТАФИНА,
У. АЛИЕВ,
жам 40 ймзо.

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

Келес жунни қайта иш-лаш фабрикасида хомашёни тежаб ва тайёр маҳсулотлар танархини арзонлаштириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилганлиги учун ҳам бу соҳадаги қўрсаткич-лар муттасил бажарилмай келаяпти. Ўтган йили ҳар-тонна хомашёдан 956,7 ки-лограммдан жун олинган эди. Шу йилининг етти ойи давомида бу қўрсаткич 942 килограммга тушиб қолди. Технологик иттизом бузла-ётганлиги учун ҳам қўллаб-хомашё бекорга қичитга чи-қариб йўқотилмоқда.

Тайёрланган хомашё сифа-ти ҳам кўп жойларда талаб-га тўла жавоб бермаётпти. Ўтган ойларида корхона 24 та рекламация олди. Шу босишдан ҳам буюртмачилар-га салкам уч юз минг сўм-лик жарима тўлашга маж-бур бўлди. Камчиликларни тугатиш учун жўлларга хо-дишлар командировка қилин-

ХОМАШЁ ИСРОФ БЎЛМАСИН

ди. Пировардида маҳсулот танархи ани ҳам ошиб кет-ди.

Фабрика раҳбарлари хо-машёни норма бўйича сарф-лаш устидан пухта назорат ўрнатмаганлар. Хомашёни сифатли тозалашдан ишчи-ларнинг манфаатдорлиги оширилмапти.

Тошкент тажриба пилла-кашлик фабрикасида ҳам хомашёни ортиқча қичитга чиқариб қўйиб қоллари тез-тез учраб турибди. Шу босишдан ҳам саккиз ой мо-байнида маҳсулот танархи 56 минг сўмликка қимматла-шиб кетди ва бундан 91 минг сўмлик зарар қўрилди. Беш йиллик бошида ҳар-лик килограмм шойи учун 3,2 килограмм пилла сарфлан-ган бўлса, ҳозирги пайтда бу қўрсаткич 3,4 килограмм-

га қўтарилиб кетди. Хомашё сарфётини қисқарттириш бў-йича резервларни қидириб топаётган ишчилар ўз вақ-тида рабаглатлангирламапти.

Хомашё ва материаллар-дан пала-партия фойдаланиш ҳоллари Янгиқўлга ва Чирчиқ поймабзал фабрикаларида ҳам содир бўлмоқда.

Область халқ контроли комитети хомашёни иқтисод қилиш, исрофдорчиликни ол-дини олиш юзасидан кор-хоналарда бажарилаётган ишларни атрофлича таҳлил қилди. Бу соҳадаги ишлар қондорисиз тапшил этилган-лиги учун Келес жунни қай-та ишлаш фабрикаси дирек-тори вазифасини бажарувчи С. Ҳақимовга, Тошкент таж-риба пиллакашлик фабрика-си директори М. Ҳўжаевага вилговор эълон қилинди.

НЕГА БАЖАРИЛМАЯПТИ?

Тошкент — Самарқанд ав-томобили йўлида юк ташин-га иктисосланган 56-авто-корхонада автомобиль транс-портдан самарали фойдала-ниш, ёнгили-мўйлаш мате-риалларини тежаб-тергаб сарфлаш бўйича белгиланган қўрсаткичлар ўзда-жўлда қо-либ кетаяпти. Ўтган йили юк борабини ошириш пла-ни 94,6 процентга, паридан фойдаланиш коэффициенти 95,9 процентга қолиб кетди. Бу йил ҳам қўлоқлик да-вом этмоқда.

Автокорхона раҳбарлари-нинг укувсизлиги билан кў-пгина муҳим объектларга ку-рилиш материаллари етказиб бериш топширилганга адо-этилмай қолляпти. 24 кор-хонадан олинган буюртмалар

қандай бажарилаётганлигини назоратчилар бирма-бир тек-шириб чиқдилар. Текширув давомида 9 та корхона ва ташкилот берган буюртма-ларнинг бажарилмай қолган-лиги маълум бўлди. Айни пайтда, чамаси, ошна-оғай-иччилик қилиб бўлса керак бир қатор ташкилотларнинг буюртмасини бир неча бора-роб ортиғи билан адо этилган.

Доимий назоратнинг йўқ-лиги натижасида қўшиб ё-зини ҳоллари тез-тез учраб турибди. Бундай ҳол «Глав-ташкентстрой»га қарашли 1-темир-бетон буюмлари за-води учун қурилиш мате-риаллари ташинганда сезилди. Кўп ҳолларда машиналар бу-зук спидометр билан юрган-лиги учун қанча ёнгили

сарфланганлигини дарров би-либ олиш қийин бўлди. Ле-кин синчковлик билан ўт-казилган текширув давомида

ўтган йил 3806 сўмлик ди-зель ёнгилини ортиқча сарф бўлганлиги аниқланди.

Текширув натижалари об-ласть халқ контроли коми-тетиде жиддий муҳокама қилинди. Автоомбиллардан фойдаланишда, йўл варака-ларини тўдирлишда, ёнгили сарфётида чалкашликларга йўл қўйилганлиги учун 56-автокорхона бош директори-нинг ўринбосари И. Саидов-га вилговор эълон қилинди. Автокорхона халқ контроли группаси раиси Р. А. Абуть-ева барча бўлимлар ва участкалар иши устидан на-зоратни қучайтириш, те-жажкорлик режимида қатъ-ий риоя этиш вазифаси топ-ширилди.

ҚИШГА ТАЙЁРЛИК ҚАНДАЙ?

Айниқса, Оқантарон шаҳ-ри, Калинин райони, Олма-таш шаҳрида ремонт ишлари су-ст ва сифатсиз бажарили-ляпти. «Ташобремстрой» трести корхоналари тўла қувват билан ишламаётган-лиги учун ҳам ремонт иш-ларида силжиш сезилмапти. Саккиз ой мобайнида ре-монтдан чиқарилган 92 та уйдан 26 таси белгилангани-дан 2—4 ой кейин фойдала-нишга топширилди.

«Ташоблестрокоммунэне-ро» ташкилоти ҳам қозон-чалар ремонтини қўшиб ке-лмоқда. Шу кунгача 18 та қозонхонанинг ҳаммаси тў-ла қўдан чиқини лозим эди. Лекин 3 та қозонхона ремонтни ҳамон тугатмапти.

Маҳаллий Советлар ик-тидорлиги уйларни ремонт қилишдаги қўлоқлик об-ласть турар-жой-коммунал ҳўжа-лиги бошқармаси бошлиғи Х. Аҳмедовага қўрсатилди. Ремонт ишларини асос-сиз равишда қўшиб ке-лаётганлиги учун «Таш-обремстрой» трести бошқа-рувчиси А. Саидмахмудова вилговор эълон қилинди. Шундай жазо «Ташобле-строкоммунэне-ро» бошқар-маси бошлиғи П. Шоабарова-га ҳам берилди. Уй-жой ре-монтга эътиборсизлик билан қараетган, қишга пухта қилиш қўрмаётган бошқа ташкилотларнинг раҳбарла-ри ҳам тегишли жазоларини олдилар.

КУЛАСИЗМИ, КУЯСИЗМИ?

Трест директори эрталаб ишга келганда столи у-стида бир даста хал ётарди. Ҳар бирининг устига «Бир группа ишчилардан» деб ёзиб қўйилган эди. А. Султонов олдинги ҳайрон бўлди. Иш-чиларнинг унда қандай юмуши бор экан? Директор у ёқ бу ёққа қараб қўйди-да, кейин таваккал қилиб энг устида турган хатни оч-ди. У тикувчилик фабрикаси ишчиларидан эди.

«Ишчилар нонини тўя қи-лиш бўйича конкурс ўткази-ладиган бўлса, ошхонамиз бош ошпази сўзсиз голиб чиқар эди, деб ёзишди иш-чилар. Одамда исноф ҳам бўлиши керак. Қаранг, қу-руқ сувни ичи деб бизга сотиляпти. Бифистексини ай-тмайсанми? Бир чўкум гуруч устига қўйиб ёзилаётган қиймални гўшт палътонинг тугмасидек ҳам келмайдн. Компотдан олдий сувнинг фарқи йўқ.

Иснофга келишар деб бир

ЧЎМИЧДА ҚОҚИШДИ

март илдамиди, бўлмади. Икки марта илдамиди, бўл-мади. Кейин назоратчилар билан бирга таомларнинг калориясини текширишга қарор қилдик. Қарангки, шининг калориясини 36 процентга, бифистексиники 12 процентга, компотиники эса 60 процентга камайитириб юборишди, азаматлар. Шун-дан кейин миллий таомлар ошхонасига борадиган бўл-дик, Лекин у ерда тайёрла-наётган таомларнинг ҳам маза-матраси йўқ экан. Шўрванинг калорияси 10 процентга, паловини 26 процентга камайиб кетти-ди...»

— Инсофсизлар, — А. Султонов хатнинг у ёғини ўқимади. — Неча марта айтман уларга, беш панжа-рини оғизга тикманлар, деб. Келиб-келиб тикувчилар ҳа-қида хилбат қилишадими? Хотин-қизларнинг доди қа-ёққа ҳам боради, деб ўйлаш-ган бўлса керак-да. Ишқилиб

ишчилар ёзган шикоят бир нухса бўлсин-да. Бўлмаса бошқа сирлар ҳам очилиб, қўпикнинг ўртасида шар-манда бўлишимиз ҳеч пар эмас.

Чирчиқ шаҳар умумий овқатланиш трестига қараш-ли корхоналарда кейинги 1,5 йил ичида турли хил баҳо-лар билан 2 минг сўмлик-дан ортиқ маҳсулот «Истеъ-молга яросиз бўлиб қолди» деб ҳисобдан чиқариб таш-ланди. Шунча масаллик қон-зонга тушганда балки боғли шикоятлар ёзилмаган бўлар-ди. Таомлари бемаза бўлган-лиги бўлган, лекин пазандалар-нинг ўзларича? Қараб бўл-майди. Халатлари кир, соч-соқоллари Устан. Санопи-станция ходимлари шундай қўшма қараб юрмайдиган 134 пазандани ишдан четлатишди, 208 кишига жарима солиш-ди 110 та ошхонани эса тар-тибга келмагунча очилма-сини деб ёлиб кетишди.

Трест директори А. Сул-тонов чамаси ишининг шу

томонларини ўйлаб, шикоят-лардан хавотирланган эди. Барбир ён

ҲАШАРЧИЛАРГА ИШОНИБ...

Соат ўн бир бўлмасдан бригада хирмонига қуритиш учун дастлабки тележка пахта келтирилди. Ёмғир ёққандай бери тунд бўлиб юрган бригада бошлиғи Турдудини Жўраев буни кўриб қувониб кетди.

Термичиларимизнинг ҳам, ҳашарчиларимизнинг ҳам гайрати чакки эмас-ку, — деди у пахта териш машинаси олдида уймалашиб юрган механик-ҳайдовчи Муродали Тўшбоевга. — Сен машинанинг далага олиб чиқа олмайсанми? Билдиришмайсанми, дейман. Шундай ҳар икки соатда бир тележка пахтага тўлиб келиб турса, бугун пункта 3 процент миқдорда пахта юбор-сак керак.

Бригада бошлиғининг кайфиятини тушуниш қийин эмасди. План 80 процентдан ошиб қолган, кунига 3,5—4 процент миқдорда пахта топирилатётган пайтда бевақт ёмғир ишнинг белига тепди. Аммо пахтазордан нам кўтарилиши биланок яна ҳамма далага чиқди. Аввалги кунлардагидек Раёно Марасулова, Жаҳоҳир Мададова, Мақсуда Сарибоева, Фотиما Марасуловлар 100—110 килограммдан пахта териб, бригада термичиларига ўрнак кўрсатишди.

Улар билан ёнма-ён эгратларда пахта терётган Янгйўл озиқ-овқат техникуми, шу ердаги 20-мактаб ўқувчилари ҳам — хирмонга баракка кириштирилди. Ҳозирнинг ўзида 97 тонна «оқ олтин» териб, колхоз механик-ҳайдовчилари ўртасидаги мусобақада пешқадамликни кўздан бермай келаётган М. Тўшбоев ҳам куннинг иккинчи ярмисидан ниҳоят агрегатини далага олиб кирди.

Яқин кунларда пахта тайёрлаш планини бажарамиз, — дейди Т. Жўраев. — Аммо биз ҳозирги кўнай дамланинг бирор дақиқаси кўндан бой бермаслигига астойдил ҳаракат қилмаёмиз. Чунки республикамизнинг 60 йиллик юбилейи шарафига 75 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олганмиз. Дала-лар

даги ҳосилимизни кўриб турибиз. Етиштирилган пахта мажбуриятимизни бемалол бажариш учун етади. Лекин ҳосилимиз хирмондагиси ҳисоб-да! Шунинг учун теримда бирор кун, соат сусткашликка йўл қўймаймиз.

Янгйўл районидagi Ҳ. Турсунқулов номи колхозининг Т. Темиров, О. Эргашев, А. Бемноволар бошлиқ бригадаларида ҳам терим мавсуми масъулиятини тўла ҳис этган ҳолда суруятга зўр беришмоқда. Мазкур коллективлар ҳам пахта тайёрлаш планини бажариш арасида турибдилар. Умуман ҳўжалик аъзолари ўтган йили планини бажара олмай, даладан қарз бўлиб колхозчиларини билган ҳолда бу йил доғни ювиш, план ва

куннинг эртасига билим юртининг 36 ўқувчиси 2268 килограмм пахта теришга эришган. Бўлажак тарбиячилардан Кибрий Абдурахмонова, Матлуба Жўраева, Гулчехра Қилчочова, Назира Сулаймонова, Раҳима Жумаева ва бошқалар эса кунига хирмонга 100 килограммдан ошириб «оқ олтин» тўқитдилар.

Лекин ҳашарчиларнинг ёрдамга келгани бригада аъзоларида хотиржамлик кайфиятини туғдирганга ўхшайди. Акс ҳолда ўша 9 октябрда теримда иштирок этиши ерак бўлган бригаданинг 35 аъзосидан фақат 13 таси далага чиққанини қандай изоҳлаш мумкин. Улар ҳам 270 килограмм, яъни ўртача 20 килограммдан сал

лиш босини сўраганимизда. Бултур 200 гектар ер кузда шудор қилинмай қолиб кетган экан. Баҳорда шу майдонларни ҳайдаб чигит эдик. Натижада ҳосил кечки бўлиб қолди.

Ҳа, бу тўғри. Худди шу майдонларда деҳқончилик қилаётган С. Исроиллов ва Н. Расуловлар бошлиқ коллективлар ўша сабабга кўра район бригадалари ўртасида сўнгги ўринда бормоқдалар. Улар пахта тайёрлаш планини энди 28—30 процент бажарганлар. Лекин колхознинг бошқа бригадаларида ҳам терим суруяти шу куннинг талаби даражасида эмас-ку! Бу ерда ҳам асосан ёрдамчиларга кўз тикиб ўтиришбди. Яқинда кўман учун Янгйўл медицина билим юртининг 700 нафардан кўпроқ ўқувчиси ёрдамга келди, — дейишди колхоз раҳбарлари. — Энди суруятини ҳам ошириб юборамиз. Дарвоқе шу кунларда колхозда териляётган ва далага топирилатётган пахтанинг асосий қисми ҳашарчилар ҳиссасига тўғри келмоқда. Хусусан 9 октябрда 35 тонна пахта терилган бўлса, шунинг 23 тоннасини медицина билим юрти талабалари, 3 тоннасини мактаб ўқувчилари ва қолганини колхозчилар териб беришган. Ҳашарчилар ҳимматига қўйил колхозчиларнинг йўли кўй. Аммо ҳўжалик аъзоларининг ўзлари ҳам қараб турмасликлари керак-да! Бундай дейишимизга сабаб шуки, ҳозир теримда 320 колхозчи иштирок этиши лозим бўлган ҳолда далага кўпи билан 260—270 киши қияпти.

Ишчи кучи ва техника воситаларини тўла ишга солиш йғим-терим суруятларини сезиларли равишда оширишнинг асосий имкониятидир. Агар ҳозирги ганимат кунларда бу имкониятлар бой бериб қўйилса, кейинги пайшайом кеч бўлиши мумкин. Бунга Ҳ. Турсунқулов номи ва «Октябрь» колхозлари раҳбарлари ёлдан чиқармасликлари керак.


Э. ЭРНАЗАРОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



● ТОШКЕНТДАГИ 240-мактабнинг 9-синф ўқувчилари Боёвот районидаги Пушкин номи колхозда пахтакорларга кўмаклашмоқдалар.

Суратда: шу мактабнинг бир гуруҳа ўқувчилари пахтазорда.

С. Маҳмамов фотоси.



Ғалаба районидаги Ҳамза номи колхозда меҳнат қилётган ҳашарчилар орасида қурилш материаллари Са-

лор савдо базаси ишчи-хизматчилари ҳам бор. Суратда (чапдан) база ходимларидан Х. Усмонов, Б. Нурмухамедов, Қ. Ҳақимов

ўртоқлар. Улар нормани бажариб қўпчиликка ўрнак бўлмоқдалар.

М. Исмолов фотоси.

ЧЎПОН

Жайлов ўрта мактабини таъминлаётган, ўзи униб-ўсган қишлоғида чўпонлик қила бошлади.

Мана, шунга ҳам йигирма йилдан ошди. Бугунги кунда у Паркент районидаги «Навбахор» совхозда бош чўпон бўлиб ишламоқда. Отирида 680та ливонли зотли қўй бор. Шундан 400 таси совлик. Ўлардан жами 590 та соғлом қўзи олиб ҳаммасини тўла сақлаб қолди.

Жайлов акалар оиласи совхозимизда биринчи бўлиб пудрат асосида ишлашга ўтди. — дейди совхоз бош зоотехниги Азиз Асқаров. — Анаси Ўроз, укалари Ўсар ва Суяркулов — у билан ёнма-ён меҳнат қилишмоқда. Авваллари бу отарларда қўйлар кўпича турли хил касалликларга чалиниб нобуд бўларди, соғлом кўзилар олинмасди. Оилавий пудрат асосида ишга ўтишга, ҳар бир чўпоннинг моддий манфаъдорлиги ортди, пировард-натижа учун ҳамма бирдек жон куйдиришга бўлиб қолди. Чунки йиллик соф фойданинг 40 проценти чўпонларнинг ўзларига мукофот тариқасида берилди. Чорвадорлар бу гамхўрликка жавобан фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Айни кунларда қишлоқни намунали ўтказиш учун ўзаро мусобақа бормоқда, — дейди район агро-саноат бирлашмасининг бош зоотехниги Шоҳмад Умаров. Бу мусобақада Жайлов ака оиласи олдинда бормоқда. Улар келгуси йилда икки отардан уч отар яратишга, қўйлар бош соини икки мингтага етказишга аҳд қилишган. Отарлар, қўралар ремонтдан чиқарилиб, ем-хашаклар қишлоқ жойларга ташиб келтирилмоқда. Қўйларни қишлоқдан бета-лофат олиб чиқиш имкониятини берадиган бошқа тадбирлар ҳам кўрилмоқда.

М. МИРҲАМИДОВ.

П. ЭРГАШЕВ.

ЙИЛЛИК ПЛАН—29 ОКТЯБРГА

гиланган топириқларнинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Яқинда бригада қандалотчилари янги таъабуб билан чиқдилар. Улар 29 октябрда комсомол ташкил топан кунга қадар йиллик планини бажариб, қўпчиликка ўрнак бўлиб чиқаришга аҳд қилдилар. Ваъдасига вафодорлар

шу кунларда ўз сўзларининг устидан чиқиб, йиллик планини белгиланган муддатда бажариш учун мардонавор меҳнат қилишмоқда.

Серия Зарипова, Наталья Маслова, Гулчехра Ботирова ва Холита Мамадалиева сингари илгор ишчиларнинг эришяётган ютуқлари салмоқли бўлмоқда. Улар кунлик нормани 150 процентдан ошириб бажаришди. Бригада етакчисининг ўзи эса ишлаб чиқаришда ҳаммага ўрнак бўлаётди. У айтиш кунларда шу беш йилликнинг сўнгги ойлари ҳисобига ишламоқда.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

ЯРМИДАН КЎПИ ОЛИЙ СИФАТЛИ

Республикамиз пойтахтидаги компрессор заводи ишчи-хизматчилари. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада фаол қатнашмоқдалар. Улар шу кўнгул санами муносиб нишонлаш учун йил мобинда юксак меҳнат марраларини белгилашган эди. Эндиликда шу ваъданинг тўла улдасидан чиқиб, барча компрессорларни буюртмачиларга белгиланган муддатларда етказиб бериш учун зарбдорчасига меҳнат қилмоқдалар.

Корхонада маҳсулотнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда маҳсулот сифатини бошқариш системаси оқилонга қўйланмоқда. Сифатли ишланган моддий ва маънавий рағбатлантиришти, корхона стандарти жорий қилинган. Шундай тадбирлар тўғрисида иш сифати ой сайин ортди борапти. Ҳозирги вақтда реализация қилинган жами маҳсулотнинг ярмидан кўпроги давлат сифат белгиси билан чиқарилмоқда.

Корхонада турли хил компрессорлар тайёрланапти. Уларнинг қўпчилиги ша-рафли беш қиррали тамга билан чиқарилмоқда. Шунинг учун ҳам бундай агре-

гатларга нисбатан талаб тобора ортди борапти. Ҳатто ўнлаб хорижий мамлакатлар ҳам компрессорларни харид қилмоқдалар. Шунинг учун коллектив маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ҳам кўпайтиряпти. Давлат планларини муттасил орттириб билан адо этмоқда.

Компрессорчилар шу йилнинг тўқтинчи ойлик планини зиёда билан бажардилар. Топириқларига қўшимча 20 тага яқин компрессор ишлаб чиқарилиди. Буюртмачиларга етказиб берилган бундай машиналар сони 6,5 мингтага яқинлашиб қолди.

Пешқадам коллектив қўшимча реализация қилган маҳсулот миқдори ўнлаб минг сўмликни ташкил этди. Бу ерда кенг истеъмол то-навий рағбатлантиришти, корхона стандарти жорий қилинган. Шундай тадбирлар тўғрисида иш сифати ой сайин ортди борапти. Ҳозирги вақтда реализация қилинган жами маҳсулотнинг ярмидан кўпроги давлат сифат белгиси билан чиқарилмоқда.

Корхонада турли хил компрессорлар тайёрланапти. Уларнинг қўпчилиги ша-рафли беш қиррали тамга билан чиқарилмоқда. Шунинг учун ҳам бундай агре-

Янгйўл «Лаззат» кондтер бирлашмасининг Зулхум Абдукаримов бошлиқ қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили топириқларини шараф билан улдулаб, еш коллективлар ўртасида йўлга қўйилган ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Улар бу натижаларга эришишда ишлаб чиқаришнинг самарали усули — бригада формасининг барча афзалликларидан унумли фойдаланишмоқдалар. Коллективдаги 21 қандалотчиларининг барчаси бу истиқболли усулда актив фаоллият кўрсатиб бел-

Галереядан чиқиб кетаётган бундан салкам 40 йил муқаддам буювчи Владимир Карпов ҳужжатли қисса ёзиб, кўп нарсаларни ўрниб чиқурди. Эҳтимол, у киши билиши керак...» дейиши улар.

Мен дарҳол Карпов билан боғландим.

— Ханотини ҳаёт. У ҳозир Москвада, фақат доктори, — жавоб қилди ёзувчиси...

Номоз САЪДУЛЛАЕВ.

Берлин — Дрезден — Москва — Тошкент.

Янгйўл «Лаззат» кондтер бирлашмасининг Зулхум Абдукаримов бошлиқ қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили топириқларини шараф билан улдулаб, еш коллективлар ўртасида йўлга қўйилган ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Улар бу натижаларга эришишда ишлаб чиқаришнинг самарали усули — бригада формасининг барча афзалликларидан унумли фойдаланишмоқдалар. Коллективдаги 21 қандалотчиларининг барчаси бу истиқболли усулда актив фаоллият кўрсатиб бел-

Галереядан чиқиб кетаётган бундан салкам 40 йил муқаддам буювчи Владимир Карпов ҳужжатли қисса ёзиб, кўп нарсаларни ўрниб чиқурди. Эҳтимол, у киши билиши керак...» дейиши улар.

Мен дарҳол Карпов билан боғландим.

— Ханотини ҳаёт. У ҳозир Москвада, фақат доктори, — жавоб қилди ёзувчиси...

Номоз САЪДУЛЛАЕВ.

Берлин — Дрезден — Москва — Тошкент.

ОЛТИНЧИ КЎРИК ЖУРНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН

СССРДА ГДР МАДАНИЯТИ КЎНЛАРИ

1. УНУТИЛМАС

ВОҚЕАЛАР

СЕНТЯБРЬ ойининг сўнги икки ҳафтасида Германия Демократик Республикаси маданий ҳаётида муҳим воқеалар бўлиб ўтди: Берлинда урушдан кейин қайта тикланган «Шаушпильхау» театри муҳташам биносининг янги концерт зали зўр тантана билан очилди. «Берлинер ансамбль» театрида мамлакатнинг етакчи олимлари ва санъат арбоблари иштирокда тинчлик ва социализмни қувватловчи катта манифестация ўтказилди. Пойтахт жамоатчилиги алаб-йи кечасида республиканинг 35 дан зиёд таниқли адиблари ўзларининг янги асарларидан ўқиди. Алганавий театр ва музика фестивали Берлиндан бошланиб, унга фақат пойтахт санъаткорлари гуруҳларининг ўзбек тўққизта чиқиш билан ҳозирлик қўришди. «Давримизнинг оддий кунлари» йирик бадиий кўргазмаси очилди.

Яна бир энг муҳим воқеа: ГЭСП Марказий Комитети Бош секретари, ГДР Давлат Кенгаши раиси Эрих Хонекер республика иқтисодий союзлари раҳбарлари билан учрашиб, мамлакат бадиий эътилолири эришган ютуқлар ва олдинда турган вазифалар тўғрисида бафуржа гап-лашиб олди. Маданий ҳаётда бундай тадбирлар шубҳасиз яқиндагина, бутун мамлакат аҳли нишонлаган республиканинг 35 йиллиги тантаналарига умумхалқ тайёргарлигининг ифодаси эди.

Олдинда СССРда ўтадиган республикамизнинг маданият кунлари турибди, — деди ўша кунлари ГДР Маданият министрининг ўринбосари Дитмар Келлер совет журналистлари билан бўлган суҳбатда. — Бундай кунлар мамлакатинида олтинчи марта ўтиши. Бу йилгиси биз учун гоёт шонли саналар бўлиши икки муҳим юбилей — республикамизнинг 35 йиллиги ва халқимиз фашизм асоратидан озод этилганлигининг 40 йиллиги белгилари остида ўтади. Улар бир-бирлари билан маънавий боғлиқ саналардир. Зеро, озодлик бўлмаганда социалистик давлатимиз ҳам, социалистик маданиятимиз ҳам таркиб топмаган бўларди...

Мана, бир неча кундирки, Дитмар Келлер айтган Маданият кунлари Иттифоқимиз шаҳарлари бўйлаб давом этмоқда. Унинг миқёсини тасаввур қилмоқ учун икки рақамни келтириш юфой: 1200 дан зиёд республика санъаткорлари ва маданият арбоблари мамлакатимизнинг 19 та йирик шаҳрида ўтказиладиган тантанали учрашуларда фаол иштирок қилмоқдалар. Томошбинлар аввалдан ўзларига

яқин таниш таниқли немис ижодий коллективлари ва ижрочилари билан бўлаётган учрашуларини қизғин кути олишяпти. Улар орасида қатор халқроқ конкурсларнинг лауреатлари — айюб кўпчилик Петр Шрайр, моҳир пианиночи Анероза Шмидт ва хушовоз хонанда Гисел Май каби ўнлаб санъаткорлар бор. Эсингизда бўлса, бундан бир неча ой муқаддам Г. Майнинг оиласи — Курражаконим «Берлинер ансамбль»нинг Иттифоқ бўйлаб қилган гастролда кўшиқ шинавандаларининг сўнгисиз олқишларига сазовор бўлганди.

2. ГОРЬКИЙ—

БЕРЛИНДА

— КУНЛАРИМИЗНИНГ энг яқини намойишларидан бири, шубҳасиз, Максим Горький номи театримиз чиқишлари бўлади, — деган эди Берлин театри директори, айни пайтда унинг бадиий раҳбари ва актери Альберт Хеттерле ўша учрашув чоғида. — Республикамазда рус ва совет драматургиясини ўзлаштириш соҳасида «мутахассис» сифатида тан олинган театр коллективи Совет Иттифоқига биринчи марта боради. Унинг репертуари жуда бой. Биргина шу йилнинг ўзида М. Горькийнинг «Тубанликда», «Мешчанлар», А. Чеховнинг «Уч опа-сингил», «Платонов», В. Розовнинг «Қарқур уяси» пьесалари ва А. Арбузовнинг «Эски модали комедия» сингари кичик сахна

асарларини кўрсатиш кўзда тутилган.

— Максим Горький номига, — сўхбатга аралашди театрининг таниқли режиссёри Томас Лангхоф, — коллективимиз ташкил топган 1957 йилдан буюн муносиб бўлишга ҳаракат қилиб келияпти. Инсон маънавий дунёсининг ҳамма қирраларини горькийчасига очиб ташлаш ижодимиз мезони бўлиб, бунда биз улкан санъаткор Станиславский услубига суянидик ва ёзувчининг саккиз пьесасини саҳнага олиб чиқдик. Айни пайтда А. Островский, Гоголь, Лавренков, Корнейчук, Катаев, Шварц, Штросов асарларига ҳам қайта-қайта мурожаат қилмаёмиз...

Сўхбат охирида А. Хеттерле билан Т. Лангхоф бизни театр репертуарида янги асар — немис драматурги Ю. Гроссинг «Матч» спектаклига таклиф этди. Асар ўсиб келаётган немис ёшлари ҳаётидан олинган бўлиб, гоёт мунозаро руҳи билан сўғурилган. Шу босини спектакль томошабинлари ҳам асарият ёшларидир. У олти йилдирки, театр саҳнасида тез-тез ўрин олиб, бутунгача 140 марта ўйнади. Бу спектаклга тушган кунли залда бирорта ҳам бўш ўрин йўқ эди.

— Спектаклини Москвага олиб борасизларми? — сўрайман унинг бош режиссёри В. Кремелдан.

— Ҳа, албатта, олиб борамиз. Уни биз сахнамаизнинг янги асари бўлгани учунгина эмас, балки ижодий беллашув маъносидан ҳам олиб бормоқдамиз. Чунки худди шу асарни республикамизнинг яна бир таниқли ижодий коллективи — Магдебург театри ҳам (Карл Шнайдер режиссёрли-

гида) саҳналаштирган. Ҳатто театр унинг ilk премьерасини яқинда Москвадаги М. Ермолова номи театр саҳнасида намойиш қилиб қайтди. Хуллас, совет томошабинларининг ҳар инчапа, станоканики қиссалар қириш учун имкон туғилди...

3. ДРЕЗДЕН

«МУЛКИ»

ДЮРЕРНИНГ «Б. фон Реезен портрети», Рембрандтнинг «Саксий портрети», Рубиннинг «Ширакайф Геркулес», Вермеернинг «Хат ўқитган қиз», шунингдек, Тинторетто, кичик Гольдсней, Веронезе, Пуссен асарлари Дрезден галереяси мулки бўлиб асарлардан асарга ўтиб келмоқда...

— Ишчимизнинг айни тиз, айни масъулиятли пайт, тизда келдингиз, — деб қаршилади бизни галерея директори Аннализа Майер-Майнтшель, — лекин қалам аҳли учун ҳаминша вақт топаемиз. Биз шу кунларда буюк Ватанингизда бўладиган Маданият кунларига қизғин тайёргарлик кўраётимиз. Гоёт ҳўхтиёблар олиб борадиган барча картиналаримизни (улар 30 та) махсус кўтиларга жойлашамиз. Уларнинг кўпи ҳали бирор марта ҳам чет эл кўргазмаларига олиб борилмаган. Шундан етти донаси ҳатто энг оғир дамларда ҳам галереямизни тарк этмаган машҳур асарлардир...

Директор «энг оғир дамлар» деганда биринчи ва иккинчи жаҳон урушларини



Суратда: Лейпциг симфоник оркестри.

